

БИЗНЕС ТАЛАБ

1. Умумий маълумот:

- **Лойиҳа номи:** Mahalla bankiri
- **Ташкилот номи:** BRB TECH
- **Сана:** 01.12.2025 йил.
- **Муаллиф (масъул шахс):** X.Muzaffarov

2. Лойиҳа тавсифи:

• **Лойиҳанинг қисқача мазмуни:** “Маҳалла банкирлари” ва “Ёрдамчи-агентлар” томонидан режа кўрсаткичларини бажарилиши тўғрисидаги маълумотларни электронлаштириш ва ягона механизм жорий этиш.

• **Лойиҳанинг мақсади:**

• **Лойиҳанинг долзарблиги (нима учун бу лойиҳа керак):** “Маҳалла банкирлари” ва “Ёрдамчи-агентлар” томонидан режа-кўрсаткичларини ўз вақтида бажарилишини таъминлаш, таҳлил қилиш, ҳар бир ходимнинг самарадорлик кўрсаткичларини Online кузатиб бориш механизмини жорий этиш орқали, “Маҳалла банкирлари” ва “Ёрдамчи-агентлар” фаолияти тартибга солинади.

3. Бизнес муаммо ёки имконият:

• **Ҳозирги ҳолат:**

• **Муаммо ёки имкониятнинг тавсифи:** “Маҳалла банкирлари” ва “Ёрдамчи-агентлар” томонидан маҳаллаларга борган ҳолда аҳоли билан мулоқот қилаётганлиги, уларни банк хизматларига жалб этиш жараёни ва банк маҳсулотларини тарғиб қилаётганлик ҳамда барча маълумотларни автоматлаштирилган ҳолатда кузатиб бориш юзасидан аниқ механизм мавжуд эмас.

• **Ушбу муаммо ечилмаса қандай оқибатлар бўлади:** Маҳаллалар кесимида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аниқ маълумотлар шакллантирилмаслик, “Маҳалла банкирлари” ва “Ёрдамчи-агентлар” самарадорлигини реал баҳолашнинг имконияти бўлмайд.

4. Бизнес мақсадлар

• **Асосий мақсадлар:**

1. Маҳалла банкирлари ва ёрдамчи-агентларни аниқ кўрсаткичларга (факт) асосланган ҳолда рағбатлантириш (КПИ) тизимини жорий этиш;
2. Самарадорлик кўрсаткичларидан келиб чиқиб рейтинг шакллантириш;
3. Маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар кўламини баҳолаш;

4. Маҳалла банкирлари ва Ёрдамчи агентлар фаолиятини тизимли ва шаффоф фаолият олиб бориш механизмини йўлга қўйиш.

• **Кутилаётган натижалар (ўлчаб бўладиган кўрсаткичлар билан):**

1. Маҳаллада амалга оширилган микролойиҳаларни назоратга олиш;
2. Маҳаллада шакллантирилган микролойиҳалар иш ўрнини аниқлаш;
3. Маҳаллада доимий ишга жойлаштириш кўрсаткичини аниқлаш;
4. Маҳаллада тадбиркорликка жалб этиш кўрсаткичини аниқлаш;
5. Маҳалла фуқароларига банк ҳисобрақами (пластик карта) очиш миқдори;
6. Омонат жалб қилиш миқдорини аниқлаш;
7. Кредит ажратиш миқдорини аниқлаш;
8. Ажратилган кредитларнинг қайтиши миқдорини аниқлаш.

5. Бизнес талаблари

№	Талаб номи	Тавсиф	Кутилган натижа	Устуворлик (Ҳигх/Мед иум/Low)
1	Бизнес эҳтиёж	Маҳаллаларда амалга оширилаётган ишларни ягона платформада юритиш, уларни тез таҳлил қилиш, ҳисоботларни автоматик шакллантириш	Самарадорлик ошиши	Ҳигх
2	Фойдаланувчи -лар	Маҳалла банкирлари, Ёрдамчи-агентлар, Раҳбарият	Хатоликлар камайиши, аниқ маълумотлар шакллантириш	Ҳигх

3	Функционал талаблар	Фойдаланувчи ролларини бошқариш, Фукаро маълумотларини киритиш, Кредит маълумотларини киритиш, Ҳисоботларни автоматик яратиш	Вақт ва харажат тежалиши	Ҳигҳ
4	Техник талаблар	Веб-интерфейс ва мобил версия	Фойдаланшга қулай	Ҳигҳ

6. Чекловлар ва тахминлар

- Техник ёки ташкилий чекловлар: Ҳозирча мавжуд эмас.

7. Муваффақият мезонлари

- Лойиҳа муваффақиятли деб ҳисобланиши учун бажарилиши керак бўлган шартлар:

1. Белгиланган мақсадларга эришилган бўлиши.
2. Фойдаланувчилар фаол фойдаланишни бошлаган бўлиши.
3. Вақтида якунланган бўлиши.
4. Бюджет доирасида амалга оширилган бўлиши.
5. Техник барқарор.
6. Маълумот хавфсизлиги таъминланган бўлиши.
7. Кутилган иқтисодий ва ташкилий самара бериши.
8. Фойдаланувчи қониқиши юқори бўлиши.
9. Техник ёрдам ва қўллаб-қувватлаш йўлга қўйилган бўлиши.
10. Ҳуқуқий ва ташкилий мослик.